

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ БҮЙРУҒИ

424 Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасасига жўнатиш ҳамда уларни бир муассасадан бошқасига кўчириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
8 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2608*

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 июлдаги ПҚ–2003-сонли «Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига асосан **буюраман:**

1. Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасасига жўнатиш ҳамда уларни бир муассасадан бошқасига кўчириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2009 йил 20 июлдаги 93-сонли «Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этилган шахсларни жазони ижро этиш муассасасига жўнатиш ва маҳкумни жазони ижро этувчи бир муассасадан бошқасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. АХМЕДБАЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 27 июль,
103-сон

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2014 йил
27 июлдаги 103-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасасига жўнатиш
ҳамда уларни бир муассасадан бошқасига кўчириш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекс-
си ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 июлда-
ги ПҚ–2003-сонли «Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга
қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режа-
ларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, маҳкумларни жазони
ижро этиш муассасасига жўнатиш ҳамда уларни бир муассасадан бошқаси-
га кўчириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар жазони ҳукм чиқарилган
жойдаги махсус қамоқ уйларида ўтайдилар.

2. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жазо муддатини
жазони ижро этиш муассасаларида ўтайдилар.

Қасддан содир этилган оғир жинояти учун биринчи марта саккиз йил-
гача ва саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар
алоҳида ҳолларда, маҳкумнинг ёзма розилиги бўлган тақдирда, муассаса
бошлиғининг буйруғига биноан хўжалик хизматига оид ишларни бажариш
учун жазо муддатини тергов ҳибсхонаси ёки турмада ўташи мумкин.

3. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган чет эл фуқаролари ва фу-
қаролиги бўлмаган шахсларни жазо муддатини ўташ учун Ўзбекистон Рес-
публикаси ҳудудидан бошқа давлатга жўнатиш, озодликдан маҳрум этишга
ҳукм қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини эса, бошқа давлат-
лардан қабул қилиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари-
га мувофиқ амалга оширилади.

**2-боб. Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасасига
жўнатиш**

4. Маҳкумлар жазо муддатини ўташ учун муассасаларга суднинг қону-
ний кучга кирган ҳукми ёки ажримига асосан жўнатилади.

5. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар жазони ўташ учун қамоқ
уйларига тергов ҳибсхонаси маъмурияти ҳукм қонуний кучга кирганлиги
тўғрисида суд хабарномасини олган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичи-

да, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар эса, ўн кунлик муддат ичида жазони ўташ учун жўнатилади.

6. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар суд ҳукми ёки ажримда назарда тутилган тартибдаги жазони ижро этиш колонияларига жўнатилади.

7. Манзил колонияларда жазо муддатини ўташга ҳукм қилинган маҳкумлардан ташқари, қуйидаги тоифадаги маҳкумлар жазо муддатини ўташ учун ихтисослаштирилган жазони ижро этиш муассасаларига жўнатилади:

вояга етмаганлар;

аёллар;

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

умрбод озодликдан маҳрум этилганлар;

ўта хавфли рецидивистлар;

суд ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг собиқ ходимлари;

турли юқумли касалликка чалинганлар;

суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш белгиланган маҳкумлар.

3-боб. Маҳкумларни бир муассасадан бошқасига кўчириш

8. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахс жазонинг бутун муддатини, одатда, битта қамоқ уйида, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс эса, битта муассасада ўтайди.

9. Маҳкумлар қуйидаги ҳолларда бир муассасадан бошқа шу турдаги муассасага кўчирилиши мумкин:

а) маҳкумнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, унинг розилигини олган ҳолда;

б) маҳкумнинг мазкур муассасада қолишига тўсқинлик қилувчи қуйидаги ҳолларда:

муассасанинг қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши муносабати билан;

бир жиноят иши бўйича судланувчи, гувоҳ ёки жабрланувчи бўлган маҳкумларни бир-биридан ажратиш мақсадида;

муассасада белгиланган кун тартибини мустаҳкамлаш ва жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида;

муассасада жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар ўртасида юзага келган низони ҳал этишнинг бошқа чораси бўлмаганда;

маҳкумларнинг салбий гуруҳлари етакчилари ва аъзоларининг муассасада ўрнатилган тезкор вазият барқарорлигига таъсирининг олдини олиш мақсадида;

маҳкум ёки қариндошларининг аризасига асосан;

суднинг ҳукм ёки ажримда назарда тутилган жазони ижро этиш тартибини ўзгартириш ҳақидаги қарорига асосан;

в) маҳкум касал бўлиб қолган тақдирда.

10. Мазкур Низомнинг 9-банди «а» ва «б» кичик бандининг иккинчи — еттинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолатлардан бири юз берган тақдирда, маҳкумларни кўчириш учун асос бўлган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси (бундан буён матнда ЖИЭББ деб юритилади) томонидан кўриб чиқилади.

Маҳкумларни кўчириш учун асос бўлган ҳужжатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича ЖИЭББнинг тегишли хизмати томонидан хулоса тузилади. Мазкур хулоса ЖИЭББ бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

11. Маҳкумни бир муассасадан бошқа шу турдаги муассасага кўчириш ЖИЭББ бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланган хулосага ёхуд суд қарорига асосан ЖИЭББнинг Махсус бўлими тайёрлаган нарядга мувофиқ амалга оширилади.

12. Маҳкумларни ихтисослашган даволаш муассасасига ўтказиш соқчи, зарурат бўлганда, тиббий ходимлар кузатувида амалга оширилади. Маҳкум касал бўлиб қолган тақдирда, уни қамоқ уйидан, колониядан ёки турмадан ихтисослашган даволаш муассасасига ўтказишга тиббий хулоса асосида йўл қўйилади.

13. Маҳкумнинг бир муассасадан бошқасига кўчирилганлиги тўғрисида жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти маҳкум етиб келган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида ҳукм чиқарган судни хабардор қилиши, шунингдек маҳкумнинг оиласига муассаса манзилини кўрсатиб ҳамда маҳкумнинг ёзишма олиб бориш, учрашув, посилка, йўқлов ва бандероллар олиш, телефон орқали сўзлашув ҳуқуқларини тушунтириб, хабарнома юбориши шарт.

14. Ихтисослашган даволаш муассасасида даволаш курслари тугаган ҳамда даволанишни давом эттиришга мухтож бўлмаган маҳкумлар тиббий хулоса асосида илгари жазо муддатини ўтаган муассасаларига қайтарилади.

Даволанишни давом эттиришга мухтож бўлган маҳкумлар тиббий хулоса асосида даволаш муассасаси ҳуқуқига эга бўлган тегишли муассасаларга юборилади.

15. Муассасалар томонидан маҳкумларни кўчириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларида (рўйхат рақами 2495, 2013 йил 29 июль) белгиланган тартибда амалга оширилади.

16. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ва даволаниш учун тергов ҳибсхоналаридан тўғридан-тўғри ихтисослашган даволаш муассасасига юборилган маҳкумлар даволаш курси тугагандан сўнг, мазкур Низомнинг 2-бобида белгиланган тартибда тегишли муассасаларга жўнатилади.

17. Жазо муддатининг муайян қисмини турмада ўташга ҳукм қилинган шахслар мазкур муддат тугаганидан сўнг, суд ҳукми ёки ажримда назарда тутилган тартибдаги жазони ижро этиш колониясига жўнатилади.

18. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга мувофиқ маҳкумни жазони ижро этишнинг бир тартибли колониясидан бошқа тартибли

33 (637)-сон

— 49 —

424-425-моддалар

колониясига, турмадан колонияга ва колониядан турмага ўтказиш жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг тақдимномасига биноан, шунингдек маҳкумнинг ёки унинг ҳимоячисининг илтимосномасига кўра судья томонидан амалга оширилади. Бунда маҳкум бир муассасадан бошқасига ушбу бобда белгиланган тартибда кўчирилади.